

Амалларимиз қабул қилинармикан?



18:02 / 23.11.2018 3534

Мужаммиъ Таймий бир кийим тўқиди. Тўқиган кийимдан кўнгли тўлиб, яхши тўқидим деб ўйлаб, уни сотди. Сотиб олган одам “Кийимнинг айби бор экан” деб қайтариб берган эди, Мужаммиъ Таймий йиғлаб юборди. Харидор меҳнатига ачиняпти деб ўйлаб, “Йиғламанг. Майли, розиман, молингизни оламан”, деди. Мужаммиъ Таймий: “Мен молимни олмай, қайтариб берганингизга йиғлаётганим йўқ. Мен бу кийимни чиройли қилиб тўқидим, деб ўйлагандим, айби бор экан, қайтиб келди. Қирқ йил давомида қилган амалларим ҳам худди шу каби қабул қилинмай қолишидан кўрқаман. Шунга йиғлаяпман”, деди.

“Солиҳлар гулшани” китобидан